

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

232 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» 2012 йил 6 январдаги ЎРҚ–319-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 май,
143-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 23 майдаги 143-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тузилиши тўғрисида» 1992 йил 11 февралдаги 59-сон қарорида:

а) 1-бандда:

олтинчи, саккизинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 3-илованинг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низомда:

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «монополияга қарши» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «монополияга қарши» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «монополияга қарши» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилардаги «монополияга қарши сиёсат» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 9-бандда:

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«монополист корхоналар, табиий монополиялар субъектлари товарларига (ишлари, хизматларга) нарх белгилаш, монополия нархлари (тарифлари)нинг чекланган даражаларини декларация қилиш масалаларида ягона давлат сиёсатини юритади, уларнинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш чораларини кўради;

товар бозорларида, шу жумладан якуний истеъмол махсулотларига нархлар динамикасининг тизимли мониторингини юритади, нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги нарх белгилашга монополия нархлари ва тарифларининг таъсирини таҳлил қилади»;

ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи — қирқ тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — қирқ бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 10-бандда:

ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига монополияга қарши сиёсатни олиб бориш бўйича вазифаларни юклаш тўғрисида» 1993 йил 6 февралдаги 63-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 1993 йил 30 мартдаги 160-сон қарорининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Холдинглар тўғрисидаги низомда:

а) I бўлимда:

муқаддимадаги ва 5-банддаги «ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банд иккинчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

б) II бўлимнинг 2, 3-бандлари, 4-банднинг учинчи хатбоши ва 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) IV бўлимда:

4-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

4-банднинг учинчи хатбоши 4-банднинг иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «монополияга қарши орган иштирокида» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) VI бўлим ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Бозор иқтисодиёти шароитларида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 25 апрелдаги 211-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тармоқнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан тартибга солиниши лозим бўлган коммунал хизматларга нархларни (тарифларни) шакллантириш ва қўллашнинг асосланганлиги устидан назоратни амалга оширсин. Тарифларни шакллантириш ва қўллаш тартиби бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда айбдорларга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган санкциялар қўлланилсин».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) 2-илованинг «Кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари» устунининг ўн учинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ноҳалол рақобатчилардан, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама фаолияти, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузаётган ҳужжатларидан ва уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилди».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тартибининг 4-бандидаги «монополияга қарши қонун ҳужжатлари» сўзлари «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 сентябрдаги 348-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисидаги низом ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш тартибининг 1-бандидаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомда:

- а) 10-банднинг учинчи хатбошидаги «савдо вазирлиги» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари қўшилсин;
- б) XII бўлимнинг номи қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«XII. Яқунловчи қоидалар»;

- в) XII бўлимга қўйидаги мазмундаги 63¹-банд қўшилсин:

«63¹. Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши монополияга қарши орган томонидан назорат функцияларини амалга оширишда, ўрганишлар ўтказишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мурожаатлари ва тегишли органларнинг тақдимномаси асосида назорат қилинади. Ушбу назорат ва ўрганишни амалга ошириш тартиби монополияга қарши орган томонидан белгиланади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) муқаддимасидаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 4-бандининг бешинчи хатбошидаги «монополияга қарши қонун ҳужжатлари» сўзлари «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 57-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги низомга қўйидаги мазмундаги XIII бўлим қўшилсин:

«XIII. Яқунловчи қоида

109. Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши монополияга қарши орган томонидан назорат функцияларини амалга оширишда, ўрганишлар ўтказишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мурожаатлари ва тегишли органларнинг тақдимномаси асосида назорат қилинади. Ушбу назорат ва ўрганишни амалга ошириш тартиби монополияга қарши орган томонидан белгиланади».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 29 июлдаги 331-сон қарорида:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик соҳасидаги тадқиқотларнинг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш ва норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш, мутахассисларнинг рақобат муҳитини ривожлантиришнинг халқаро амалиёти соҳасидаги билим даражасини ошириш, монополияга қарши сиёсат соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади»;

б) 2-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«рақобат соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобатни шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш»;

еттинчи хатбошидаги «товар» сўздан кейин «ва молия» сўзлари қўшилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «малакасини ошириш» сўзларидан кейин «ҳамда суд бошқарувчиларини тайёрлаш» сўзлари қўшилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази тўғрисидаги низомда:

1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик соҳасидаги тадқиқотларнинг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш ва норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш, мутахассисларнинг рақобат муҳитини ривожлантиришнинг халқаро амалиёти соҳасидаги билим даражасини ошириш, монополияга қарши сиёсат соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида ташкил этилган»;

4-банднинг тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Марказнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18 «А»;

5-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш»;

тўққизинчи хатбошидаги «малакасини ошириш» сўзларидан кейин «тайёрлаш» сўзлари қўшилсин;

ўнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«рақобатни ривожлантириш, табиий монополиялар соҳасини тартибга

солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш, таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш, шунингдек банкротлик масалаларини таъминлашнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг грантларини жалб этиш»;

6-банднинг саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«малака ошириш курсларини, шу жумладан давлат монополияга қарши органи ходимлари учун малака ошириш курсларини ўтказиши, шунингдек суд бошқарувчиларини тайёрлаш курсларини ташкил этади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1 ва 2-иловаларга мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни биржа ва кимовиди савдоларига қўйиш белгиланган тартибда тасдиқланадиган тегишли моддий балансларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган ҳажмларга мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан, белгиланган муддатларда, моддий балансларнинг тасдиқланган параметрларини бажаришнинг чорақлар ва ойлари бўйича жадваллари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналарга, маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа орқали қисми — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига етказилади. Кўрсатиб ўтилган жадваллар асосида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар белгиланган тартибга мувофиқ муддатлар бўйича маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларини ишлаб чиқадилар ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлайдилар, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси уларни биржага етказиши»;

б) 4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгиланадиган нархлар бўйича сотиб олинган ресурслар, шунингдек ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган, биржа савдоларида сотиб олинган қайта сотилиши тақиқланган ресурслар истеъмолчилар томонидан қайта сотилиши ҳоллари аниқланган тақдирда қайта сотишдан олинган даромад Вазирлар Маҳкамасининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарориди назарда тутилган тартибга мувофиқ олиб қўйилади».

в) Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг

махсус тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши кўшилсин:

«Бунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги авиакеросинни «Ўзнефтвермаш» акциядорлик компаниясининг нефтни қайта ишлаш заводлари билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган белгиланган нархлар бўйича сотиб оладилар».

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 108-модда) билан тасдиқланган Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тўғрисидаги низом 7-бандининг учинчи хатбошидаги «монополияга қарши қонун ҳужжатларига» сўзлари «рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 55-модда):

а) қарорнинг номидаги, муқаддима ва 1-банддаги «монополияга қарши қонун ҳужжатларини» сўзлари «рақобат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) Монополияга қарши қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомда:

Низомнинг номидаги «монополияга қарши қонун ҳужжатларини» сўзлари «рақобат» сўзи билан алмаштирилсин;

1-2-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом «Рақобат тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги (кейинги ўринларда матнда «қонун ҳужжатлари бузилганлиги» деб юритилади) тўғрисидаги ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари (кейинги ўринларда «монополияга қарши орган» деб юритилади) томонидан кўриб чиқилишининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Монополияга қарши орган ўз ваколатлари доирасида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек жисмоний шахслар томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш қўзғайди ва уларни кўриб чиқади»;

3-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий жазоларни қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади»;

4-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги иш жисмоний шахсга, хўжалик юритувчи субъектга, давлат бошқаруви органига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органига нисбатан улар жойлашган жой бўйича тегишли монополияга қарши орган томонидан қўзғатилади.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг қарори асосида:

худудий органлар ваколатларига тегишли бўлган ишларни ўзи кўриб чиқиши учун қабул қилишга;

ўзининг текшириш ва ўрганиш материалларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун худудий органга юборишга ҳақлидир»;

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «тахлил қилиниши» сўзлари «ўрганиш» сўзи билан алмаштирилсин;

8-банднинг учинчи хатбошидаги «шунингдек» сўзидан кейин «жисмоний шахс» сўзлари қўшилсин;

11-банднинг иккинчи хатбошига қўйидаги мазмундаги иккинчи жумла қўшилсин:

«Ишни кўриб чиқиш бўйича қатнашчиларга ажрим, шунингдек тилхат остида монополияга қарши органда ёки улар жойлашган жой бўйича топширилиши мумкин»;

12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ва мутахассислар» сўзлари «мутахассислар, таржимонлар ва бошқа манфаатдор шахслар» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда:

тўртинчи хатбошининг ўзбек тилидаги матни ўзгаришсиз қолади;

бешинчи хатбошидаги «ишнинг» сўзи «ишни кўриб чиқишнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва далил-исботларига эътироз билдириш»;

15-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«15. Қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш ариза тушган ёки назорат функциялари ва ўрганишлар амалга оширилиши натижаларига кўра иш қўзғатилган пайтдан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқилади. Истисно ҳолларда кўрсатилган муддат узайтирилиши, бироқ бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин»;

иккинчи хатбошига «иш қўзғатилган» сўзларидан кейин «жисмоний шахслар» сўзлари қўшилсин;

17-банднинг иккинчи хатбошига «мутахассисларнинг» сўздан кейин «ва бошка манфаатдор шахсларнинг» сўзлари қўшилсин;

20-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Ишни кўриб чиқиш комиссия томонидан қўйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисмлари бўйича тугатилиши мумкин:

қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тасдиқланмаганда;

қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида унга нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъект тугатилганда ёки жисмоний шахс вафот этганда;

унга нисбатан иш қўзғатилган хўжалик юритувчи субъект ва жисмоний шахс қонун бузилишини ихтиёрий равишда бартараф этганда;

монополияга қарши орган томонидан кўриб чиқиладиган қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш бўйича суд томонидан қарор қабул қилинганда»;

21-банддаги «буюртма хат билан, унинг топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан» сўзлари «ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «тўхтатиш» сўзи «тугатиш» сўзи билан алмаштирилсин;

22-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш натижалари бўйича комиссия: қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолати аниқланганлиги ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг тегишли чоралари кўрилганлиги тўғрисида;

ишни кўриб чиқиш тўхтатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилади»;

28-банднинг тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кўрсатмада назарда тутилган барча жисмоний шахсларга ёки хўжалик юритувчи субъектларга ёхуд бошқарув органларига нисбатан қонун ҳужжатлари бузилиши бартараф этилмаганда.

Кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиш ёки бажармаслик деганда субъект кўрсатмани бажаришдан бош тортиши ёки қисман бажармаслиги ёхуд кўрсатмани ўз вақтида бажармаслиги тушунилади»;

29-банднинг биринчи хатбошидаги «Хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари «Жисмоний шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қарорда ишни кўриб чиқиш давомида аниқланган жиноятлар белгилари бўйича жиноий ишлар қўзғаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун материалларни тегишли органларга жўнатиш ҳақида тавсиялар берилиши мумкин»;

33-банднинг бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«шахс томонидан бажарилиши керак бўлган аниқ хатти-ҳаракатлар (тўхтатиш, бартараф этиш, бундан кейин қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик, асосиз олинган даромадни истеъмолчиларга қайтариш, дастлабки ҳолатни тиклаш ва бошқалар) ҳамда бажариш муддатлари»;

36-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Агар рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган юридик ёки жисмоний шахс жарима солиш тўғрисидаги қарорни дарҳол бажариш унинг молиявий аҳволини ёмонлаштириши мумкинлигини исбот қилса, монополияга қарши орган ушбу шахсга ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида жаримани кечиктириб ёки ҳар ойлик тўловлар билан бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини беришга ҳақлидир»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

37-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш қатнашчилари монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси)га қўшилмаган тақдирда қарор (кўрсатма) қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда қарор (кўрсатма)ни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан судга ёки ёхуд қарор (кўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига мурожаат қилишга ҳақлидир»;

38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«38. Ариза бериш монополияга қарши орган қарори (кўрсатмаси)нинг амал қилишини аризани кўриб чиқиш даврида тўхтатиб туради».

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 7-модда):

а) 1-банддаги «товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 1 ва 2-иловаларга киритилган маҳсулотларнинг монопол турларини биржа савдоларига қўйиш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги белгиланган тартибга мувофиқ мавсумий талаб ҳисобга олинган ҳолда моддий баланслар ижросининг ойлик ва чораклик жадвалларида тасдиқланган биржа савдоларига қўйилиши керак бўлган маҳсулотлар ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига етказди. Кўрсатиб ўтилган жадваллар асосида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар белгиланган тартибга мувофиқ муддатлар бўйича маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш жадвалларини ишлаб чиқадилар ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқлайдилар, Монополиядан

чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси уларни биржага етказди»;

в) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Календарь даврга тузатиш киритилган жадваллар асосида монополист корхоналар жадваллар олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланган тартибга мувофиқ муддатлар бўйича биржа савдоларга қўйиш ҳажмларини бўлиб чиққан ҳолда монополь маҳсулотларни ушбу даврнинг ҳар бир ойи мобайнида биржа савдоларига қўйиш жадвалларини тасдиқлайдилар ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси уларни биржага етказди»;

г) 13-банддаги «олдиндан» сўзи «биржа савдолари ўтказилишидан камида 1 кун олдин» сўзлари билан алмаштирилсин»;

д) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Монополь маҳсулотларни биржа савдоларига қўйишнинг ушбу Низомда назарда тутилган жадваллари бажарилмаслиги, шунингдек маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш имкони йўқлиги тўғрисидаги ахборотнинг тақдим этилмаслиги рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳисобланади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 1-илованинг «Шакллантириш манбаи» устунининг 18-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) «Монополияга қарши қонунчилик» сўзлари «Рақобат» сўзи билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни ҳамда Рақобатни ҳимоя қилиш ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятига доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режасини тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 26-модда):

а) муқаддимадаги «рақобатни ҳимоя қилиш ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш» сўзлари «товар ва молия бозорларидаги рақобат» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомда:

7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» сўзлари «рақобат тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида» сўзлари «товар ёки молия бозорларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг «а» кичик бандида:

иккинчи — тўртинчи хатбошилар куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«товар ёки молия бозорида устунлик мавқеини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда табиий монополиялар субъектларининг давлат реестрларини шакллантиради ва юритади;

хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан табиий монополиялар субъектларини ташкил этиш, таркибий ўзгартириш ва тугатишда, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар)ни сотиб олишда рақобат, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилади»;

еттинчи хатбошидаги «товарлар ва хизматлар бозорларида» сўзлари «товар ва молия бозорларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

товар ёки молия бозорини ўрганадилар ва хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг у ердаги устунлик мавқеи мавжудлигини аниқлайди, рақобатга қарши хатти-харакатларнинг ва нархлар асоссиз ўсишининг олдини олади»;

ўнинчи хатбошидаги «монополияга қарши» сўзлари «рақобат» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «товарлар ва хизматлар, шу жумладан, молия бозорларига» сўзлари «товар ёки молия бозорларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «ҳамда савдога қўйиш жадвалларини, маҳсулотлар сотиш ҳажмлари ва нархларини назорат қилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«марказлаштирилган манбалар ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш ва қурилиш ишларини бажаришга танлов савдолари ўтказишда қатнашади»;

куйидаги мазмундаги ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«шу жумладан танлов (тендер) ва биржа савдолари ўтказилишида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилади;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари реестрини юритади ва эълон қилади;

ўз ваколатлари доирасида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради»;

8-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» сўзларидан кейин «ва реклама» сўзлари қўшилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатнинг ол-

дини олишга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради»;

10-банд қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«10. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, хўжалик юритувчи субъектлардан, шу жумладан, тижорат банкларидан товар ва молия бозорлари монополлашуви даражасини таҳлил қилиш учун зарур бўлган ахборотларни, шунингдек корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги маълумотларни сўраш ва белгиланган тартибда бепул олиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан биргаликда табиий монополиялар субъектлари ва монополист корхоналар фаолиятини тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг, декларация қилинаётган нархлар шакллантирилишининг асосланганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш;

лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш, божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд уларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турлари тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат органларига киритиш;

ўз ваколатлари доирасида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича тушунтиришлар бериш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама ва банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш, улар бўйича иш қўзғаш ва кўриб чиқиш;

рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ва (ёки) уларнинг оқибатларини тугатиш, дастлабки ҳолатни қайта тиклаш ҳақидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни ижро этиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик субъектларига, давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига бериш, шунингдек берилган кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш;

рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахсларини ва бошқа жисмоний шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш;

монополь корхоналарга, банкротлик белгиларига эга бўлган корхоналарга уларни ихчамлаштириш ва таркибий ўзгартириш тўғрисида кўрсатмалар

бериш, шунингдек, зарурат бўлганда, суд қарорига кўра бундай кўрсатмаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий бажарилишини амалга ошириш;

рақобат, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши ва бузилиши билан боғлиқ ишлар юзасидан судга даъво ва ариза билан мурожаат қилиш, шунингдек бундай ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ўзига берилган ваколатлар доирасида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига жарималар солиш;

рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектлардан рақобатга қарши хатти-ҳаракатлар натижасида асоссиз олинган даромад (фойда)ни олиб қўйиш ва (ёки) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларга қайтариш тўғрисидаги иш бўйича ва жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

агар маблағларни ундириш тўғрисидаги қарорнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда бажарилиши хўжалик юритувчи субъектни банкротликка олиб келиши мумкин бўлса, хўжалик юритувчи субъектга унинг аризасига кўра, ҳайъат қарори асосида суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари томонидан рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш ва унинг мониторингини олиб бориш;

рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, реклама ва банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар белгилари бўйича жиноий иш қўзғаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун материалларни тегишли органларга юбориш;

истеъмолчиларнинг уларнинг истеъмол ҳуқуқлари камситилиши тўғрисидаги аризалари ва шикоятлари бўйича Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши билан келишган ҳолда ушбу ҳуқуқларни бузган корхоналар ва ташкилотларни текшириш (уларнинг молия-хўжалик фаолиятидан ташқари);

зарар кўриб ишлаётган ва иктисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва молиявий соғломлаштириш дастурларини шакллантиришда қатнашиш, шунингдек уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш;

давлат томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда устав фондида давлат

улуши бўлган корхоналар томонидан суддан олдинги санация чора-тадбирлари амалга оширилишини ва банкротлик тартиботларининг боришини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таркибий ўзгартириш ва санация амалга ошириладиган ижтимоий инфратузилма объектларини, шунингдек корхоналарнинг умумий фойдаланиладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг функционал тегишлилигига кўра тегишли хўжалик бирлашмалари балансига бериш тўғрисида таклифлар киритиш;

устав фондида давлат улуши бўлган ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдидан қарзи бўлган корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғаш ҳақида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш;

банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш даврида ташқи бошқарувни жорий этиш, ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки қисқартириш, шунингдек ташқи бошқарувчини ўз ваколатларини бажаришдан озод қилиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома киритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш, суд бошқарувчиси фаолиятида қонун ҳужжатлари мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганлиги аниқланган тақдирда уни ўз вазифасини бажаришдан озод қилиш тўғрисида хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиш ва суд бошқарувчиларига берилган аттестатларнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тўхтатиш;

устав фондида давлат улуши бўлган ва хўжалик суди томонидан банкрот деб эълон қилинган корхоналарни тугатиш ишларида қатнашиш;

бюджетдан ташқари жамғарма маблағларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

зарур ҳолларда, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қўшма қарорлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш, шунингдек хулосалар олиш учун бошқа органлар мутахассисларини жалб этиш.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин»;

11-банддаги «монополияга қарши қонун ҳужжатларини» сўзлари «рақобат» сўзи билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил

28 октябрдаги 239-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда):

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Рақобат тўғрисида», «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни ҳамда Рақобатни ҳимоя қилиш ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятига доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари режасини тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 2 июндаги 105-сон қарорини бажариш юзасидан, товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда табиий монополиялар субъектлари фаолиятини давлат томонидан нарх орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:»;

б) Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қолган товарларга шартномавий (эркин) нархлар (тарифлар) қўлланади»;

I бўлимга қўйидаги мазмундаги 5¹-банд қўшилсин:

«5¹. Монополист корхона ёки табиий монополия субъекти декларация қилинган (тасдиқланган) нархни (тарифни) мустақил равишда пасайтириш ҳуқуқига эга. Бунда:

монопол паст нархлар белгилаш мақсадида нархни (тарифни) пасайтиришга йўл қўйилмайди;

нархларни (тарифларни) пасайтириш, кейинчалик нархларни тартибга солувчи органни хабардор қилган ҳолда, барча истеъмолчилар учун бир вақтда амалга оширилади.

Товарларига нархлар давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик юритувчи субъект, шунингдек тасдиқланган (келишилган) нархни (тарифни) барча истеъмолчилар учун бир вақтда мустақил равишда пасайтириш ҳуқуқига эга»;

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

13-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Нарх (тариф) ҳисоб-китоби товарга тўғри келадиган харажатлар ва соф фойда кўрсаткичлари негизида амалга оширилади ҳамда қўйидагилар бўйича:

нормаланадиган харажатлар бўйича — норматив-техник ҳужжатларни (рецептура, хом ашё ва материаллар, иссиқлик ва электр энергияси, меҳнат ва шу кабиларни сарфлаш нормаларини) ҳамда тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни (ДС, ТС, ТШ, ТБ ва шу кабиларни) ҳисобга олган ҳолда;

нормаланмайдиган харажатлар бўйича — олдинги тўрт чоракнинг ҳисобот кўрсаткичлари таҳлили асосида ва нархларнинг прогноз бўйича ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурсларнинг техник ва технологик нормалари тегишли ваколатли органлар томонидан ушбу ресурсларни энг кам ва энг кўп сарфлаш диапазонларида тасдиқланган тақдирда, нархни (тарифни) ҳисоб-китоб қилиш мақсадида нархларни тартибга солувчи орган томонидан уларнинг ўртача кўрсаткичидан нормаларнинг ушбу диапазони доирасида фойдаланилади»;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги «Товарга» сўзидан кейин «(иссиқлик таъминоти, сув таъминоти, канализация ва санитария бўйича тозалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқариладиган товардан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«дивидендлар тўлови учун. Ушбу товарга тўғри келадиган дивидендларнинг йиллик суммаси корхона устав фонди (капитали) суммасининг йигирма беш фоизидан ошмайдиган миқдорда белгиланади»;

16-бандда:

иккинчи хатбоши биринчи жумласидаги «сифими» сўзидан кейин «(товарнинг муайян турига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқарувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари)» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Таннархни ҳисоблаш ёки давр харажатларини, молиявий фаолият бўйича харажатларни, солиқлар ва бошқа фойдадан мажбурий тўловлар бўйича харажатларни, монополист корхона ёхуд давлат ёки хўжалик бошқаруви органи таркибига кирувчи табиий монополия субъекти томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги ҳисобига соф фойда суммасини тақсимлаш тармоқ хусусиятига эга бўлган тақдирда нархни (тарифни) декларация қилиш (тасдиқлаш) нархларни тартибга солувчи орган томонидан белгиланган тартибда аниқланади»;

17-банддаги «хўжалик юритувчи субъект» сўзларидан кейин «(иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация корхоналаридан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) ҳисоб-китобда ҳисобга олиннадиган монополист корхона ва табиий монополия субъекти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисидаги қароридан назарда тутилган истеъмол нархлари индекси кўрсаткичидан кам бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг календарь йил мобайнидаги ўсиш кўрсаткичидан юқори бўлмаган тузатишни ҳисобга олган ҳолда, ходимларнинг амалдаги, бироқ штатдаги чекланган сонидан ортиқ бўлмаган ходим-

лар сонидан ҳамда амалдаги нарх (тариф)да қабул қилинган ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

25-банднинг биринчи хатбошидаги «бир ҳафта муддатда» сўзлари «бир ой муддатда (табиий монополиялар субъектлари бундан мустасно)» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг иккинчи хатбошидаги «монополист корхона ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш)нинг бир асл нусхаси ва декларация қилинадиган (тасдиқланадиган) нарх (тариф) ҳисобкитоби (ушбу Низомга 1-илова) ёки тариф сметаси (ушбу Низомга 10-илова) нархлар (тарифлар) декларация қилинган (тасдиқланган) санадан бошлаб уч кун муддатда хўжалик юритувчи субъектга, иккинчи нусхаси — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ва унинг ҳудудий органларига (кейинги ўринларда монополияга қарши давлат органи деб аталади) юборилади, учинчи нусхаси эса нархларни тартибга солувчи органда қолади.

Декларация қилинган (тасдиқланган) нарх даражаси сақлаб қолинган тақдирда, декларация қилинаётган (тасдиқланаётган) нархни (тарифни) ҳисобкитоб қилиш таркибидаги сарфлар (харажатлар)нинг битта сатри суммаси сарфлар (харажатлар)нинг бошқа тури сатри суммаси ўзгариши ҳисобига ўзгарганда монополист корхона ёки табиий монополия субъекти ушбу ўзгариш тўғрисида, тузатиш киритилган ҳисоб-китобни (ушбу Низомга 1-илова) тақдим этган ҳолда, нархларни тартибга солувчи органни ёзма равишда хабардор қилиши шарт»;

32-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

«Нархлари (тарифлари) Ҳукумат қарорларига мувофиқ тартибга солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар нархларни тартибга солувчи органда нархлар (тарифлар)ни:

норматив ҳужжат ёки Ҳукумат топшириғи чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда (агар уларда бошқача муддат назарда тутилмаган бўлса);

нарх (тариф), устама нарх, чекланган рентабеллик ошганда ва тартибга солувчи коэффициент ўзгарганда декларация қилиши (тасдиқлаши, келишиб олиши) шарт»;

36-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

«тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) уларни декларация қилмасдан (тасдиқламасдан) ёки келишиб олмасдан хўжалик юритувчи субъект томонидан қўлланиш;

тартибга солинадиган нархлар бўйича ёки биржа савдоларида сотиб олинган қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтадан сотилиши тақиқланган ресурсларни қайтадан сотишдан даромадлар олиш»;

учинчи — ўн биринчи хатбошилар бешинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

37-банднинг олтинчи хатбошидаги «йил чораги ҳисоб-китоблари асосида, ишлар мавсумий хусусиятга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун эса —» сўзлари чиқариб ташлансин;

39-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тартибга солинадиган нархлар бўйича ёки биржа савдоларида истеъмолчилар томонидан сотиб олинган, қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтадан сотиш тақиқланган ресурсларни қайтадан сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қайтадан сотишдан сотиб олиш нархи ва қайтадан сотиш нархи ўртасидаги тафовут тарзида олинган даромад давлат монополияга қарши органида очиладиган махсус транзит ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда махсус транзит ҳисоб рақами деб аталади) олиб қўйилади»;

43-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«43. Ушбу Низомнинг 37 — 41-бандларида кўрсатилган маблағлар истеъмолчиларга қайтарилади, ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, махсус транзит ҳисоб рақамига олиб қўйилади, ушбу Низомнинг 48-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ушбу Низомнинг 36-банди бешинчи хатбошида кўрсатилган хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергиянинг техник ва технологик нормалари оширилиши ҳисобига аниқланган сумма махсус транзит ҳисоб рақамига олиб қўйилади. Бунда ушбу сумма хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергиянинг техник ҳамда технологик нормаларининг амалдаги ошган ҳажмини тегишли хом ашё, материаллар, ёқилғи ёки энергия нархига кўпайтириш йўли билан аниқланади».

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларнинг монопол турларини товар-хом ашё биржаси орқали сотиш рўйхатини янада кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 21 июндаги 185-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 6-сон, 56-модда) 2-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган, истеъмолчилар томонидан биржа савдоларида сотиб олинган ресурсларни қайтадан сотиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қайтадан сотишдан олинган даромад Вазирлар Маҳкамасининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарорида назарда тутилган тартибга мувофиқ олиб қўйилади».